



2020 йил 28 декабрь

№ 6-20/86-сон

Қумқўрғон тумани

**Қумқўрғон туманининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларига маҳаллий бюджетларни бошқаришда хусусан маҳаллий бюджет ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2021 йил учун Қумқўрғон тумани бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Қумқўрғон тумани Кенгаши (Кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади)

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Сурхондарё вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг 2020 йил 28 декабрдаги “Сурхондарё вилояти 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги №154/VI-19-сонли қарорига асосан Қумқўрғон тумани (Кейинги ўринларда - туман деб аталади) бюджетига Сурхондарё вилояти бюджетидан ажратилган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт миқдори 76 313 384,0 минг сўм миқдориди тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

- қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;
- юридик шахслардан олингадиган ер солиғи;
- бензин, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;
- айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига ҳуқуқ учун йиғимлар;
- қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва ғилдиракли транспорт воситалари, ўзи

юрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

- автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидга вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимлар;

б) Вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

- электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

-қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

-қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

-қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

-давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

-жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) 100 фоизи;

-фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) 100 фоизи ўтказилади.

в) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлиғича ўтказиб берилади:

-жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

-жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

-жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

-сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станцияларидан томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

-айланмадан олинадиган солиқ;

-мобиль алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулоти, шу жумладан пиво учун

акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра вилоят аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ;

3. Қонунга асосан вилоят маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) туман ва шаҳарлардан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади;

б) Вилоятнинг вилоят бюджетидан:

-Вилоят ирригация тизимлари хавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари;

-Иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш харажатлари;

- Умум фойдаланишдаги автомобиль йўллари эҳтиёт-таъмир қилиш харажатлари;

- давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш молиялаштирилади;

в) туманлар ва шаҳарлар бюджетидан:

- фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

- давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2021 йил учун туман бюджет даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

7. 2021 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажмлари **1 472 219 минг сўм** миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги Захира жамғармалари маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

8. 2021 йил учун туман бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар **800 940 минг сўм** миқдорида белгилансин.

9. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифига асосан, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилишини инobatга олган ҳолда Кенгаш қарорларига асосан ишлатилиши белгилансин.

10. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

11. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

12. Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озик-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар расмий веб-сайтларга туманнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларни жойлаштирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

13. Вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси молия йилининг биринчи ойида молия йили учун иш режалари тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунларига кўра эса нозорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган молиявий ҳуқуқбузарликлар ва ижобий натижалар ҳақидаги маълумотларни чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтларга жойлаштириши маълумот учун қабул қилинсин.

14. Туман ҳокимлиги Қонунга асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини тегишли туман Кенгашига бериши маълумот учун қабул қилинсин.

16. Республика вазирлик ва идоралари, шунингдек вилоят бошқарма ва ташкилотлари ишчи гуруҳлари томонидан туман ва шаҳарларда ўтказиладиган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилаётган “Йўл харита”лари, баёнлари билан тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

17. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун Кенгашга маълумот киритсин.

18. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

19. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси**



**Р.Гаппаров**



Халқ депутатлари  
Кумкўрғон тумани Кенгашининг  
2020 йил «28» 12 даги  
20/86 сонли қарорига 1-илова

Кумкўрғон туманининг 2021 йилдаги бюджет даромадлари прогноз  
кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
<b>ЖАМИ</b>		<b>72 380 692,0</b>
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	5 120 890,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	13 509 347,0
4	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи (ЯТТ)	1 128 895,0
5	Кўшилган қиймат солиғи	0,0
6	Акциз солиғи, жами	<b>30 073 142,0</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	10 718 331,0
	- алкоголь (шу жумладан; пиво) маҳсулотлари учун акциз солиғи	12 568 030,0
	- мобиль алоқа хизмати учун акциз солиғи	6 786 781,0
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 995 043,0
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 822 091,0
9	Ижара тўловлари	150 000,0
10	Юридик шахслар ер солиғи	2 475 742,0
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	10 286 538,0
12	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	46 850,0
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	164 547,0
14	Давлат божи	
15	Жарималар	
16	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	
17	Йиғимлар	4 607 607,0



Халқ депутатлари  
Қумқўрғон тумани Кенгашининг  
2020 йил «28» 12 даги  
620/86-сонли қарорига 2-илова

2021 йил учун Қумқўрғон тумани бюджетининг харажатлар прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
<b>I. Харажатлар - жами</b>		<b>148 694 076</b>
1.	<b>Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами</b>	<b>127 040 984</b>
	- мактабгача таълим	6 383 943
	- умумий таълим	9 829 056
1.2	Соғлиқни сақлаш	52 123 269
1.3	- Маданият оммавий ахборот воситалари	1 254 171
1.4	- Спорт	1 747 763
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	55 702 782
2.	<b>Иқтисодиётга харажатлар</b>	<b>8 848 444</b>
2.1	Ободонлаштириш	6 875 503
2.2	Сув хўжалиги вазириги ташкилотлари	676 425
2.3	Қишлоқ хўжалиги вазириги ташкилотлари	389 728
2.4	Ветеринария қўмитаси	906 788
3.	<b>Давлат бошқарув органларини сақлаш</b>	<b>5 382 288</b>
4.	<b>Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш</b>	<b>5 896 415</b>
5.	<b>Ижтимоий кўникма марказлари</b>	<b>53 726</b>
6.	<b>Заҳира жамғармаси</b>	<b>1 472 219</b>
	<b>ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҲАММАСИ</b>	<b>148 694 076</b>



Халқ депутатлари  
Қумқўрғон тумани Кенгашининг  
2020 йил « 29 » 12 \_\_\_\_\_ даги  
620/30-сонли қарорига 3-илова

2021 йил учун Қумқўрғон тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	<b>Харажатлар миқдори, Жами</b>	<b>148 694 076,0</b>
	жорий харажатлар	148 694 076,0
1	<b>Халқ таълими бўлими</b>	<b>9 829 056,0</b>
	жорий харажатлар	9 829 056,0
2	<b>Мақтабгача таълим бўлими</b>	<b>6 383 943,0</b>
	жорий харажатлар	6 383 943,0
3	<b>Соғлиқни сақлаш бўлими</b>	<b>52 123 269,0</b>
	жорий харажатлар	52 123 269,0
4	<b>Маданият бўлими</b>	<b>1 396 554,0</b>
	жорий харажатлар	1 396 554,0
5	<b>Жисмоний тарбия ва спорт бўлими</b>	<b>1 860 015,0</b>
	жорий харажатлар	1 860 015,0
6	<b>Қишлоқ хўжалиги бўлими</b>	<b>527 353,0</b>
	жорий харажатлар	527 353,0
7	<b>Ирригация бўлими</b>	<b>676 425,0</b>
	жорий харажатлар	676 425,0
8	<b>Ветеринария бўлими</b>	<b>906 788,0</b>
	жорий харажатлар	906 788,0
9	<b>Меҳнат бош бўлими</b>	<b>705 883,0</b>
	жорий харажатлар	705 883,0
10	<b>Молия бош бўлими</b>	<b>748 704,0</b>
	жорий харажатлар	748 704,0
11	<b>Пенсия бўлими</b>	<b>691 193,0</b>
	жорий харажатлар	691 193,0
12	<b>Ободонлаштириш бўлими</b>	<b>6 875 503,0</b>
	жорий харажатлар	6 875 503,0
13	<b>Давлат ҳокимият органлари</b>	<b>65 525 936,0</b>
	жорий харажатлар	65 525 936,0
14	<b>Ижтимоий мослашув марказлари</b>	<b>53 726,0</b>
	жорий харажатлар	53 726,0
15	<b>Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия маркази</b>	<b>389 728,0</b>
	жорий харажатлар	389 728,0





Халк депутатлари  
Кумкўрғон тумани Кенгашининг  
2020 йил « 28 » 12 даги  
620/86-сонли қарорига 4-илова

Кумкўрғон туман маҳаллий бюджетининг 2021 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга  
солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	76 313 384,0
шундан	
Кумкўрғон тумани	76 313 384,0